
Аҳоли мурожаатлари асосида Мустақиллик кўчасига асфальт ётқизилди

Фурқат туманида маҳаллий йўллар ҳолатини яхшилаш, уларни жорий таъмирлаш ва асфальтлаш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Худуд депутати сўрови, аҳоли мурожаатлари асосида туман йўлсозлари томонидан “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғини асосий кириш қисми равон ва соз ҳолатга келтирилмоқда.

Ушбу мурожаат қисқа фурсатда ижобий ҳал этилиб, мазкур маҳалла ҳудудидаги ички йўлларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Манзилли дастур асосида маҳалла ҳудудидаги Мустақиллик кўчасининг 500 метр қисмига тўлиқ асфальт ётқизилди.

2022-11-30 08:52:36